

9-1-2018

Improving the scoring model of enterprises' creditworthiness assessment

N.N Mavlonov

Tashkent Institute Of Finance, Tashkent, str, 100000, Uzbekistan, mavlanovnormumin@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Mavlonov, N.N (2018) "Improving the scoring model of enterprises' creditworthiness assessment," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 4 , Article 17.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss4/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

КОРХОНАЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ СКОРИНГ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мавланов Нормўмин Нормаматович,
ТМИ таянч докторанти

E-mail: mavlanovnormumin@mail.ru

Аннотация: Мақолада корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашнинг амалдаги тартиби ёритиб берилган. Бу борада миллий ва хорижий тажрибаларни мужассамлаштириб ишлаб чиқилган “Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели” номли электрон дастурини қўллаш афзалликлари ҳақида сўз боради.

Аннотация: В статье описывается анализ кредитоспособности предприятий и действующий порядок её оценки. Обсуждаются преимущества применения электронной программы “Скоринговая модель анализа кредитоспособности” созданной с применением международных и национальных опытов в этой области

Abstract: This article is devoted to analysis of companies' creditworthiness and their valuation in practise. In this way, there are advantages of applying an electronic program named "Scoring model for analysis creditworthiness" which is desined to integrate national and international experiences.

Калит сўзлар: Кредитга лаёқатлилик, баҳолаш мезони, коэффициентлар усули, кредит риси, кредит рисини пасайтириш, перспектив таҳлил, молиявий кўрсаткичлар, номолиявий кўрсаткичлар, скоринг модели, электрон дастур.

Кириш

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодиётимиз тараққиёти асосидир. Айниқса кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларида кенг ислохотларнинг амалга оширилиши келгусида барқарор ривожланишга замин яратиб бермоқда. Иқтисодиётимиз “локомотиви” бўлган банк тизимини янада такомиллаштириш бўйича қонун, қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши ушбу соҳанинг замон билан ҳамнафас ривожланишини таъминлаб бермоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартда “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 6-банди “в” кичик бандида “потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз скоринг моделини яратиш...”¹ ва уларни амалиётга жорий этиш вазифаси кўрсатиб ўтилган.

Халқаро тажрибалардан кўриш мумкинки банklar фаолиятида қўлланиладиган турли кредит скоринг моделлари мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва кенг кўламда баҳолаш имконини берадиган замонвий усуллардан биридир. Бунинг ёрдамида энг мақбул мижоз танлаб олинади ҳамда кредит рисини сезиларли пасайтиришга эришилади. Демак, кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларни олди олинади. Кредитга лаёқатлиликни аниқ, тўлиқ ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 23 мартдаги қарори.

тезкор баҳолаш нафақат банклар учун кредит рискинни пасайтириш балки, корхоналар учун кредитни қайтара олмаслик рискинни қисқартиришга тайинланганлиги билан ҳам аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида кредит скоринг моделидан фойдаланиш, ҳам банк учун, ҳам корхона учун кутилган самарани беради. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар банк амалиётида энг мақбул мижозларни аниқлашда кредит скоринг модели муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзуга оид адабиётлар таҳлиliga тўхталаган бўлсак. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш бўйича (Ендовицкий ва Бочарова, 2005), Компания ва ташкилотларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили (Ендовицкий ва бошқ., 2016), Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш (Наумченкова, 2016), Корхоналарнинг молиявий таҳлили (Лиференко, 2005), Банк иши (Абдуллаева, 2017), Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016), Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили (Рахимов, 2015), Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш (Маматов ва бошқ., 2016) илмий тадқиқотларида мавзунинг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлсада, мавжуд муаммони амалий ечими берилмаган. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш (Алимарданов, 2017) илмий мақоласида кредитга лаёқатлиликни баҳолашни коэффициентлар усулини, яъни 8 та коэффициентни тавсия этган. Коэффициентлар усули асосан корхонанинг молиявий жиҳатларига баҳо беради. Бунда коэффициентлар тугалланган давр кўрсаткичлари асосида кредитга лаёқатлилигини баҳолайди, аммо кредит келгуси давр учун ажратилади. Илмий мақолада эътибор қаратилиши зарур жиҳатлари:

- кредитга лаёқатлилик молиявий кўрсаткичлар асосида баҳоланган, яъни 8 та коэффициент корхонани молиявий жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилиш имконини бермайди;
- кредитга лаёқатлиликни баҳолашда номолиявий кўрсаткичларга эътибор қаратилмаган;
- кредитга лаёқатлиликни баҳолашда перспектив таҳлил амалга оширилмаган;
- коэффициентлар усулини меъёр даражаси ва тезкор ҳисоблаш имконини берадиган такомиллаштирилган дастур ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз корхонанинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш, статистика ва жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб борилган, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва таклифлар баён қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодиёти вужудга келгандан то ҳозирги даврга қадар кредит муносабатлари узлуксиз такомиллашиб ҳамда ривожланиб келмоқда ва бу жараён келгусида янада кенг кўламда давом этиш тавсифига эга. Чунки, кредит муносабатлари иқтисодиётда кўплаб бизнес субъектлар фаолиятини бошлашига, тўхтовсиз амалга оширишига ҳамда кенгайишига муҳим молиявий омил бўлмоқда.

Банк кредитлари ва ссудаларини жалб қилиш қайси мезонлар ва тартиблар асосида амалга оширилади? Бу борада, корхона ва тижорат банклари ўртасида бўладиган қарз муносабатларини йўлга қўйишда уларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш бош масаладир. Ҳар битта тижорат банки ўз мижозлари билан кредит муносабатлари юзасидан мустақил сиёсатини олиб боради. Лекин уларнинг барчасида битта муҳим жиҳатга, яъни корхонанинг кредитга лаёқатлилигини аниқ баҳолашга аҳамият қаратилмоғи лозим.

Республикамиз тижорат банкларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффициентлар асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги учта синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда.

2-жадвал

Банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезонлари

| Кўрсаткичлар | I синф | II синф | III синф |
|---------------------------|-------------|--------------------|-------------|
| 1. Қоплаш коэф.(Қк) | $Қк > 2$ | $2 > Қк > 1$ | $1 > Қк$ |
| 2. Ликвидлилик коэф. (Лк) | $Лк > 1,5$ | $1,5 > Лк > 1$ | $1 > Лк$ |
| 3. Мухторлик коэф. (Мк) | $Мк > 60\%$ | $60\% > Мк > 30\%$ | $30\% > Мк$ |

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезонларида қуйидаги бартараф этиладиган камчиликлар ҳамда такомиллаштирилиши талаб этиладиган умумий жиҳатлар мавжуд:

- коэффициентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффициентлар асосида корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- халқаро тажрибалар эътиборга олинмаганлиги.

Мазкур камчиликлар аналитик тарзда қуйидаги кўринишга эга.

1. Банклар амалиётида **қоплаш коэффициенти** жорий активларни (390 сатр) жорий мажбуриятларга (600 сатр) бўлиш орқали ҳисобланмоқда. Бунда жорий активлар таркибидан бир қатор актив турлари кредит тўлови учун маблағ бўла олмайди. Жумладан тайёр маҳсулот(товар)лар таркибидаги “талаб бўлмаган тайёр маҳсулот(товар)лар” қисми, келгуси давр харажатлари (190 сатр), кечиктирилган харажатлар (200 сатр), дебиторлик қарзлари таркибидан муддати ўтган дебиторлик қарзлари (211 сатр), ходимларга берилган бўнақлар (250 сатр), Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (270 сатр), Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (280 сатр), Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (290 сатр) каби жорий активлар кредит тўлаш учун маблағ бўлмаган жорий активлар ҳисобланади. Шу ва шу каби жиддий камчиликлар юқорида кўрсатилган барча коэффициентларда мавжуд.

2. Корхонанинг молиявий аҳволига учта коэффициент билан тўлиқ баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун корхонанинг молиявий аҳволини очиб берувчи бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади.

Шу каби ҳолатлар корхоналарни кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаш имконини бермаяпти.

Республикамиз банк соҳасидаги кредит муносабатларида амалга оширилаётган корхонани кредитга лаёқатлилигини баҳолашни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан мақсад кредит олувчи корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашни тўлиқ, аниқ ва тезкор ўрганишдир. Бу билан кредитга лаёқатли бўлган энг муносиб корхоналарни танлаб олиш имконияти яратилади. Натижада эса кредит риси сезиларли камайишга эришилади.

Бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш йўлида “Кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг скоринг модели” номли такомиллаштирилган электрон дастур яратилди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинди (№DGU 05087. 05.03.2018 й.).

“Кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг скоринг модели” номли такомиллаштирилган электрон дастур корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини иккита муҳим жиҳат асосида 5 та синфга ажратиб баҳолаб беради:

1. Молиявий кўрсаткичлар (ликвидлилиқ кўрсаткичлари, баланс ликвидлилиги, айланувчанлик кўрсаткичлари, самарадорлик кўрсаткичлари, барқарорлик кўрсаткичлари ва Альтман модели) асосида баҳолаш;

2. Номолиявий кўрсаткичлар (умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлиқ даражаси, бизнес обрўси) асосида баҳолаш.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигига молиявий кўрсаткичлар асосида 100 балл ва номолиявий кўрсаткичлар асосида 100 балл умумий 200 балл билан баҳоланади.

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигига молиявий кўрсаткичлар асосида баҳолаш

| Кўрсаткичлар номи | Балл тақси-моти | Кредитга лаёқатлилиги бўйича синфларга ажратиш | | | | | | | | | |
|---|-----------------|--|------|--|------|---|------|---|------|---|------|
| | | Меъёри | балл | Меъёри | балл | Меъёри | балл | Меъёри | балл | Меъёри | балл |
| | | 1-синф | | 2-синф | | 3-синф | | 4-синф | | 5-синф | |
| 1. Корхона ликвидлик кўрсаткичлари: | 15 | | 15 | | 12 | | 9 | | 6 | | 0 |
| Жорий ликвидлик коэффициенти | 5 | $2 <$ | 5 | $2 > Jlk > 1,5$ | 4 | $1,5 > Jlk > 1$ | 3 | $1 > Jlk > 0,5$ | 2 | $Jlk < 0,5$ | 0 |
| Тез ликвидлик коэффициенти | 5 | $1,25 <$ | 5 | $1,25 > Tlk > 1$ | 4 | $1 > Tlk > 0,75$ | 3 | $0,75 > Tlk > 0,5$ | 2 | $Tlk < 0,5$ | 0 |
| Мутлақ ликвидлик коэффициенти | 5 | $0,75 <$ | 5 | $0,75 > Mlk > 0,5$ | 4 | $0,5 > Mlk > 0,25$ | 3 | $0,25 > Mlk > 0,1$ | 2 | $MLk < 0,1$ | 0 |
| 2. Баланс ликвидлиги таҳлили | 15 | A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 | 15 | A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 битта шарт бажарилмаса | 12 | A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 иккита шарт бажарилмаса | 10 | A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 учта шарт бажарилмаса | 5 | A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 умуман шарт бажарилмаса | 0 |
| 3. Корхона маблағлари айланиши таҳлили: | 20 | | 20 | | 16 | | 12 | | 8 | | 0 |
| Корхонанинг жорий активлари айланиш кўрсаткичлари | 5 | $Jak > 12$ | 5 | $12 > Jak > 6$ | 4 | $6 > Jak > 4$ | 3 | $4 > Jak > 3$ | 2 | $3 > Jak > 0$ | 0 |
| Корхонанинг дебиторлик қарзлари кўрсаткичлари | 5 | $Dak > 12$ | 5 | $12 > Dak > 6$ | 4 | $6 > Dak > 4$ | 3 | $4 > Dak > 3$ | 2 | $3 > Dak > 0$ | 0 |
| Корхонанинг кредиторлик қарзлари кўрсаткичлари | 5 | $Kak > 12$ | 5 | $12 > Kak > 6$ | 4 | $6 > Kak > 4$ | 3 | $4 > Kak > 3$ | 2 | $3 > Kak > 0$ | 0 |

| | | | | | | | | | | | |
|---|------------|-------------|------------|---------------|-----------|---------------|-----------|-------------|-----------|-----------------------------|----------|
| Товар моддий захиралари айланувчанлиги | 5 | TMZak>12 | 5 | 12>TMZak>6 | 4 | 6>TMZak>4 | 3 | 4>TMZak>3 | 2 | 3>TMZak>0 | 0 |
| 4. Корхона фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили: | 15 | | 15 | | 12 | | 9 | | 6 | | 0 |
| Жорий активлар рентабеллик кўрсаткичи | 5 | Jar>40% | 5 | 40%>Jar>30% | 4 | 30%>Jar>20% | 3 | 20%>Jar>ID | 2 | Jar<ID (inflasiya darajasi) | 0 |
| Хусусий капитал рентабеллик кўрсаткичлари | 5 | Xkr>40% | 5 | 40%>Xkr>30% | 4 | 30%>Xkr>20% | 3 | 20%>Xkr>ID | 2 | Xkr<ID (inflasiya darajasi) | 0 |
| Сотиш рентабеллик кўрсаткичи | 5 | Sr>40% | 5 | 40%>Sr>30% | 4 | 30%>Sr>20% | 3 | 20%>Sr>10% | 2 | Sr<ID (inflasiya darajasi) | 0 |
| 5. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили: | 15 | | 15 | | 12 | | 9 | | 6 | | 0 |
| Мустақиллик коэффициенти | 5 | Mk>0,6 | 5 | 0,6>Mk>0,5 | 4 | 0,5>Mk>0,4 | 3 | 0,4>Mk>0,3 | 2 | Mk<0,3 | 0 |
| Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициенти | 5 | 0,2>QO'zk>0 | 5 | 0,4>QO'zk>0,2 | 4 | 0,5>QO'zk>0,4 | 3 | 1>QO'zk>0,5 | 2 | QO'zk>1 | 0 |
| Хусусий капитал ҳаракатчанлик коэффициенти | 5 | Xhk>0,5 | 5 | 0,5>Xhk>0,4 | 4 | 0,4>Xhk>0,3 | 3 | 0,3>Xhk>0,2 | 2 | Xhk<0,2 | 0 |
| 6. Альтман модели бўйича кредитга лаёқатлиликини баҳолаш | 20 | Alm> 2,99 | 20 | 2,99>Alm>2,8 | 15 | 2,8>Alm>2,7 | 10 | 2,7>Alm>1,8 | 5 | Alm<1,8 | 0 |
| Умумий балл | 100 | | 100 | | 79 | | 59 | | 36 | | 0 |

| Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигига номолиявий кўрсаткичлар асосида баҳолаш | | |
|---|--------|-------------|
| Кўрсаткичлар | | Балл |
| Корхонанинг умумий кредит тарихи: | | 20 |
| 3 йилдан ортиқ муддатда банклар, жумладан мижоз банкдан олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланган. | 1 синф | 20 |
| 3 йилгача муддатда банклар, жумладан мижоз банкдан олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланган. | 2 синф | 15 |
| Охириги уч йилда банклар, жумладан мижоз банкдан кредит суммасини (асосий ва фоиз) белгиланган муддатлардан кечикиб ёки қисман тўланган. Бироқ кредит ва унинг фоизлари тўлиқ қайтарилган (бир ойгача муддат ичида). | 3 синф | 12 |
| Охириги уч йилда банклар, жумладан мижоз банкдан олинган кредит суммаси(асосий ва фоиз) белгиланган муддатлардан кечикиб ёки қисман тўланган. Бироқ кредит ва унинг фоизлари тўлиқ қайтарилган (бир ойдан ортиқ муддатда). | 4 синф | 9 |
| Банклар, жумладан мижоз банкдан олинган кредит суммасини (асосий ва фоиз) тўлиқ тўланмаганда. | 5 синф | 0 |
| Кредит таъминоти: | | 20 |
| Таъминот замонавий, юқори ликвидли, етарли, эгалик ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи мутлоқ барқарор. Суғурта полиси кредитни тўлиқ қамраган ва тўлиқ даврга олинган. | 1 синф | 20 |
| Таъминот янги, ликвидли, етарли, эгалик ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи барқарор. Суғурта полиси кредитни 50 %ини қамраган ва даврнинг 50 % олинган. | 2 синф | 15 |
| Таъминот 50 %дан кўп эскирган, ликвидли, етарли эмас, эгалик ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи барқарор. Суғурта полиси кредитни 25 %дан 50 %гача қамраган ва даврнинг 25 %дан 50 %гача олинган. | 3 синф | 12 |
| Таъминот эски, ноликвид, етарли эмас, эгалик ҳуқуқи бошқа корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи нобарқарор. Суғурта полиси кредитни 25 %дан кам қисмини қамраган ва даврнинг 25%дан кам қисми олинган. | 4 синф | 9 |
| Таъминот яроқсиз ҳолатга келган, ноликвид, етарли эмас, эгалик ҳуқуқи бошқа корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий аҳволи банкрот олди ҳолатида. Суғурта полиси кредитни 25 %дан кам қисмини қамраган ва даврнинг 25 %дан кам қисми олинган. | 5 синф | 0 |
| Лойиҳанинг реаллиги: | | 20 |
| Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва асосланган ахборот манбаларига эга. Лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд: корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли. Лойиҳанинг бизнес-режаси иқтисодий ва амалий жиҳатдан асосланган. Корхонада компетент ходимлар етарли. Қулай табиий шароит, етарли инфраструктура ва коммунал хизматлар мавжуд. | 1 синф | 20 |
| Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва асосланган ахборот манбаларига эга. Лойиҳани амалга ошириш имконияти мавжуд: корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли. Лойиҳанинг бизнес-режаси иқтисодий ва амалий жиҳатдан асосланган. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит ва етарли инфраструктура мавжуд. Коммунал хизматлар кўрсатишда узилиш кузатилади. | 2 синф | 15 |

| | | |
|--|--------|------------|
| Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва етарли ахборот манбаларига эга. Лойиҳани амалга оширишда жиддий таваккалчилик мавжуд. Корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинadиган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит ва етарли инфраструктура мавжуд. Коммунал хизматлар кўрсатишда ўзилиш кузатилади. | 3 синф | 12 |
| Банкнинг кредит сиёсати талабларига тўлиқ мос келмайди ва етарли ахборот манбаларига эга эмас. Лойиҳани амалга оширишда жиддий таваккалчилик мавжуд. Корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинadиган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли бўлиши таваккалчиликка боғлиқ. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит ва етарли инфраструктура мавжуд. Коммунал хизматлар кўрсатишда ўзилиш кузатилади. | 4 синф | 9 |
| Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келмайди ва етарли ахборот манбаларига эга эмас. Лойиҳани амалга оширишда юқори таваккалчилик мавжуд. Корхонанинг салбий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинadиган кредит суммаси(асосий ва фоиз) тўлашга етарли эмас. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Қулай табиий шароит ва инфраструктура мавжуд эмас. Коммунал хизматлар кўрсатиш ёмон. | 5 синф | 0 |
| Товарларнинг рақобатбардошлик даражаси | | 20 |
| Товарларнинг хилма-хиллиги, сифати юқори, юқори қўшимча қиймат ва оптимал баҳога эга, оптимал харажат, сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган, талаб юқори. | 1 синф | 20 |
| Товарларнинг хилма-хиллиги, сифати юқори, сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган, оптимал баҳо, дифференцияланган харажат, талаб мавжуд. | 2 синф | 15 |
| Товарларнинг тури камлиги, сифати ўртача, ўртача баҳо, ўртача харажат, сотиш сервиси йўлга қўйилган. | 3 синф | 12 |
| Товарларнинг тури камлиги, сифати паст, ўртача баҳо, харажат юқори, сотиш сервиси талаб даражасида эмас. | 4 синф | 9 |
| Товарларнинг тури камлиги, сифати паст, ўртача баҳо, харажат юқори, сотиш сервиси мавжуд эмас, талаб ўта кам. | 5 синф | 0 |
| Бизнес обрўси | | 20 |
| Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни юқори, бозордаги обрўси юқори, бренд таниқли | 1 синф | 20 |
| Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни ўртача, бозорда ўз обрўсига эга, бренди харидорларга таниш | 2 синф | 15 |
| Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни сезиларли аҳамиятга эга эмас, бренди харидорларга таниш эмас. | 3 синф | 12 |
| Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни аҳамиятга эга эмас, бренди харидорларга таниш эмас. | 4 синф | 9 |
| Корхонанинг соҳа ва тармоқдаги ўрни аҳамиятга эга эмас, бозорда ўз обрўсига эга эмас, бренди мавжуд эмас. | 5 синф | 0 |
| Умумий балл | | 100 |

“Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели” электрон дастури бўйича тўпланган жами балл 0 баллдан 200 баллгача оралиғда 5 та синфга бўлиб ўрганилади. 5-жадвалда синфлар бўйича тўлиқ тафсилоти берилган.

5-жадвал

Синфлар бўйича кредит ажратиш тартиби

| Синф | Қисқача изоҳ | Жами (балл) |
|--------|--|-------------|
| 1-синф | Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш қобилияти юқори. Ушбу корхоналарга кредит умумий тартибда имтиёзли асосда бериш мумкин. | 156-200 |
| 2-синф | Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш қобилиятига эга. Ушбу корхоналарга белгиланган тартибда кредит ажратиш мумкин. | 120-155 |
| 3-синф | Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш қобилиятига эга эмас. Айрим ҳолатларда ушбу корхоналарга юқори фоизли ставкаларда кредит ажратиш мумкин. | 82-119 |
| 4-синф | Корхонанинг молиявий ҳолати барқарор эмас. Бу тоифадаги корхоналарда кредит rischi жуда юқори ҳисобланади. | 81 гача |
| 5-синф | Ушбу тоифадаги корхоналарга кредит берилмайди. | 0 |

“Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели”нинг афзал жиҳатлари:

1. Ушбу модель корхонанинг кредитга лаёқатлилигига аниқ, тўлиқ, кенг қамровли баҳолаш имкониятига эга.

2. Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда кредитга лаёқатлилик ҳолати 5 та синф асосида амалга оширилади. Бу банклар томонидан корхоналарни кредитга лаёқатлилик ҳолати бўйича танлаш имкониятини оширади.

6-жадвал

Амалдаги тартибнинг қиёсий таҳлили

| Амалдаги тартибда | | Такомиллаштирилган тартибда | |
|-------------------|---|-----------------------------|---|
| Синф | Кредит ажратиш шarti | Синф | Кредит ажратиш шarti |
| 1-синф | Кредит ажратилади | 1-синф | Кредит имтиёзли асосда бериш мумкин |
| 2-синф | Кредит алоҳида ҳолларда ажратилиши мумкин | 2-синф | Кредит умумий тартибда ажратилади |
| 3-синф | Кредит ажратилмайди | 3-синф | Кредит алоҳида ҳолларда юқори фоизли ставкаларда ажратиш мумкин |
| | | 4-синф | Кредит rischi жуда юқори |
| | | 5-синф | Кредит ажратилмайди |

3. Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезон(критерий)ларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

4. Халқаро тажрибалар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Хулоса ва таклифлар

Республикаимиз банклари амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда коэффицентлар усулидан фойдаланиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор молиявий кўрсаткичларга қаратилмоқда. Коэффицентлар усулида молиявий кўрсаткичларни ушбу учта коэффицент билан тўлиқ очиб бериш имкони мавжуд эмас. Қолаверса ушбу коэффицентларнинг ҳисоблаш усулидаги камчиликлари янада бу усулнинг ноаниқлик даражаси юқорилигини кўрсатиб

беради. Ушбу коэффициентлар усулининг яна бир камчилик жиҳати тугалланган давр маълумотлари асосида баҳо бериб, кредитни келгуси даврга ажратилишидир. Бунда келгуси фаолиятини олдиндан башоратлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Банклар томонидан эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши муҳим яна бир жиҳат номолиявий кўрсаткичлардир. Номолиявий кўрсаткичлар корхоналарнинг келгуси фаолияти барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Юқоридаги мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ва хориж тажрибасини мужассамлаштириб, “Кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг скоринг модели” электрон дастурини ишлаб чиқдик. Ушбу дастур корхонанинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида кредитга лаёқатлилигини комплекс баҳолаш орқали кредит рискинни кескин пасайтириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.-Т.: Iqtisod-Moliya. 2017. 732 б.
2. Абдуллаева Ш.З. Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2017. №1, 11 б.
3. Азизов У.Ў ва бошқалар. Банк иши.-Т.: Фан ва технология, 2016. 640 б.
4. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2017. №2, 6 б.
5. Ендовицкий Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, 2016. 376 с.
6. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Учебно-практическое пособие. М. : КНОРУС. 2005. - 272 с.
7. Лиференко Г.Н. Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, 2005. с. 160
8. Мавланов Н.Н. Корхона кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва уни комплекс таҳлилин такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2016. №3, 9 б.
9. Мавланов Н.Н. Сравнительная оценка современных концепций анализа кредитоспособности: научные подходы и практика. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2018. №1, 14 б.
10. Маматов Б.Ш., Қуллиев И.Я., Пулатова М.Б. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Монография.-Т.:Extremum-press, 2016. 112 б.
11. Наумченкова Ю. В. Оценка кредитоспособности заемщика. Теория и практика современной науки. 2016. № 5. с.5
12. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.